



Орамиздан меҳр-оқибат кўтарилмасин!

ПОП

№ 25-26 (8202-8203)

2019 йил 29 июнь

Газета 1931 йил

20 ноябрдан чиқа бошлаган

Поп туман ҳокимлигининг
газетаси

ТОНГИ

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Вилоят ҳокимининг «Туманда қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш хизматини кўрсатиш бўйича янги тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 24 майдаги 387-сонли қарорини Поп туманида ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидаларининг 7-банди ҳамда Наманган вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2019 йил 6 апрелдаги 01-04/445-сон, вилоят Молия бош бошқармасининг 2019 йил 13 апрелдаги ТЮ/17-7/826-сон таклифларига мувофиқ, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Поп туманидан қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш бўйича санитар-тозалов хизматини чекланган тарифлари аҳоли учун бир кишига бир ойга 2 500 (икки минг беш юз) сўм ҳамда юридик истеъмолчиларга ҚҚС билан 1 м³ учун 36000 (ўттиз олти минг) сўм этиб белгилансин.

2. Туман молия бўлими (М.Атавалиева) ва туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж.Бўтаев)ларга ушбу қарор билан белгиланган тарифларнинг тўғри қўлланилиши устидан доимий назорат ўрнатиш топширилсин.

3. Туман экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими (О.Шоназаров), туман «Тоза худуд»

ДУК (Ш.Абдувалиев)ларга манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда:

ўн кун муддатда мазкур қарорга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартномаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

туман ҳудудидаги уй-жой ва хонадонларда рўйхатда туриб, ҳақиқатда яшаётган ёки рўйхатдан ўтмасдан яшаётган шахсларга ҳамда туманда фаолият юритаётган юридик шахслар рўйхатига аниқлик киритиб, улар сонига мутаносиб равишда туман ҳокимлиги томонидан берилган маълумотномалар асосида тўловлар ундирилишини ташкил этиш;

туман статистика бўлими (Д.Абдуваҳобов)дан туманда фаолият юритаётган юридик шахсларнинг рўйхатини олиб, туман кесимида рўйхатларини шакллантириш;

чиқинди ташиш транспортларини ҳаракатланиши бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, транспортларнинг ҳаракатланиши устидан «Онлайн» режими асосида масофавий назорат (GPS) тизимини жорий этиш вазифалари топширилсин.

4. Вилоят ҳокимининг шу мазмундаги 2017 йил 28 сентябрдаги 688-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор «Поп тонги» газетасида расман эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор 2019 йил 1 июндан бошлаб кучга кириши белгилаб қўйилсин.

7. Қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Эргашов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

А.СУЛТАНОВ.

Поп шаҳри, 2019 йил № 3323.

ОБОДОНЛАШТИРИШ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 4 июндаги ПҚ-4351-сонли қарори ҳамда шу мазмундаги вилоят ҳокимининг 2019 йил 10 июндаги 418-сонли қарорлари ижроси ҳақида Поп туман ҳокими қарор қабул қилди.

Қўйидагилар ободонлаштириш соҳасида ишларни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, ободонлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий база, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва янгилаш;

тасдиқланган стратегиялар асосида шаҳарларнинг кўча-йўл ва жамоат жойларини комплекс ривожлантиришни таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш масалаларига кенг жамоатчиликни жалб қилишни;

ободонлаштириш соҳасида давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва кўрсатилган хизматлар сифатини оширишга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини босқичма-босқич жорий қилишни;

ободонлаштириш бошқармаларининг куч ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг ишини оптималлаштириш, қўл меҳнатини камайтириш, юзага келаётган муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришга, шунингдек, самарали жамоатчилик назоратини таъминлашга йўналтирилган инновацион ечимларни жорий қилишни;

ободонлаштириш соҳаси ходимларига муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларни моддий

рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳудудларни ободонлаштириш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва методологик таъминлаш учун масъул орган этиб белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий базани такомиллаштириш бошқармаси тегишли равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини кўпайтириб, 2 нафар қўшимча штат бирлиги ажратилган ҳолда уй-жой коммунал хўжалиги ва ҳудудларни ободонлаштириш соҳаларининг методологик базасини такомиллаштириш бошқармасига айлантирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларидан жойларда ҳудудларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида зарур ахборотни сўраб олиш ҳуқуқи берилганлиги катта аҳамиятга эгадир.

Туман ҳокимининг тегишли соҳа ўринбосарлари, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Ғ.Абидов), туман иқтисодиёт ва саноат бўлими (Б.Азимов), туман молия бўлими (М.Атавалиева), туман «Поп тонги» рўзмаси (Т.Тўйчиева)га мазкур қарор талаблари асосида иш ташкил этиш ҳамда соҳа вакилларига етказиш ва тушунириш, тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши вазифаси юклатилди.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-СЕМИНАРИ

Жорий йилнинг 26 июнь куни Наманган шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабида «Ўз-луксиз методик хизмат кўрсатиш сифати ва методистлар малакасини ошириш» мавзусида Республика ҳудудий ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда республика таълим марказининг масъул ходимлари, вилоят халқ таълими бошқармаси, малака ошириш ҳудудий маркази вакиллари, туман халқ таълими бўлимларининг филология, ижтимоий, аниқ ва табиий фанлар, амалий ва бошланғич таълим методистлари иштирок этишди.

Ўқув-семинарнинг асосий мақсади ҳудудий методистларнинг олиб борган ишларининг таҳлили, янги ўқув йили олдидан қилинадиган ишлар режаси ва муаммоларни бартараф этиш эди. Семинарда тўрт шўъбаларга бўлиниб, дастур асосида ўқувлар олиб борилди:

-халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари-

ни такомиллаштириш, методист фаолиятига креатив ёндашув-давр талаби;

-ўқув-тарбияни компетенциявий ёндашув асосида ташкил қилиш-ҳаётий зарурият; давлат таълим стандарти, ўқув режа, дастур ва дарсликлар;

-таянч мактаби орқали ўқитувчи маҳоратини ривожлантириш, таълим сифатини оширишнинг самарали усули;

-халқаро баҳолаш дастурлари тадқиқотларига тайёрланишда методистларнинг ўрни ва вазифалари тўғрисида баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Республика таълим марказининг масъул ходими Меҳриниса Даниярова, Замира Сангиева ва Фаррух Абдуллаевларнинг ўтказган ўқув-тренингларида методистлар жуда катта маълумотларга эга бўлишди.

Дилфуза ТУРСУНОВА,
туман ХТБ услубчиси.

«ТЕЗ ЁРДАМ» БИНОСИ ҚАД КЎТАРДИ

Чодак қишлоғида яшовчи Маматқарим Мараҳимов икки йил мобайнида қишлоқдаги камчиликлар - иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек йигитларининг кўрсатган жасоратлари, она ва аёл садоқати тимсоли бўлмиш хотира майдони қаровсиз ҳолатда эканлиги, «Тез ёрдам» бўлими талабга жавоб бермаслиги, экология ва сувни ифлослантирмаслик масалалари, мактабгача таълим ташкилотига бўлган эҳтиёж, поезд бекати тўғрисида илтимоснома-ю аризалар ёзиб, турли ташкилотларга мурожаат қилгани боис аризалар қаноатлантирилди.

Маҳаллий халқ, 4-сектор раҳбари ва ҳомийлар бирлашиб, «Тез ёрдам» биноси қурилишини бошлаб юбордилар. Катта йўлдан ўтаётган нигоҳингиз тушса, қилинаётган савоб ишни кўриб, чодакликларнинг аҳиллиги ва меҳнатсеварлигини чехралари-ю шижоатларидан билиб оласиз.

Туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан Чодаксой суви-ни асраш тўғрисида юзга яқин тарқатмалар тайёрланиб, ҳудудга тарқатилди. Хотира хиёбонида ҳам иш бошланган.

ПАРТИЯМИЗ КЎМАГИ

Мен Уйғур қишлоғида истиқомат қиламан. Вақтинча ишсизман. Иш билан банд бўлиш мақсадида Ўзбекистон халқ демократик партияси туман кенгашининг «Жамоатчилик қабулхонаси»га мурожаат қилдим. Мурожаатимни ЎзХДП туман кенгаши раиси А.Абдурахимов ва туман кенгаши депутати Ш.Мирзатиллаевлар ўрганиб чиқиб, менга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3777-сонли қарорига асосан «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастури доирасида имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкил этиб, фаолият юритишни тавсия этишди. Мен «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Поп филиалидан кредит олиб, 4 сотих ер майдонига иссиқхона ташкил этиб, ўз фаолиятимни ривожлантирмоқдаман. Ушбу кредитни олишимда Ўзбекистон халқ демократик партиясининг ёрдами катта бўлди.

Камолхон НАЗИРОВ, ЎзХДП фаоли.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЛК МАРОТАБА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЎТКАЗИЛАДИ

2019 йил 5 февралда ПФ-5655-сонли Президент Фармони қабул қилинган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси тасдиқланган.

Ушбу фармонда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишлари кенг қамровли тадбир бўлиб, кетма-кет ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлган учта босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич (3 йилгача бўлган муддат)да қуйидаги ишлар амалга оширилади: аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш, ўтказиш таъминоти, услубий асослари ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланади; аҳолини рўйхатга олиш тадбири дастури, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилишни ташкил этиш услубияти ишлаб чиқилад; аҳолини синов асосида рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ташкил этиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ишлари олиб бори-

лади; ҳар бир рўйхатга олувчиларни ўз ҳудуди бўйича хариталар билан таъминланади; аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш ва аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишнинг ташкилий режаси тузилади; ҳар бир хонадон рақамланиши ва кўчалар номланиши амалга оширилади; замонавий хариталаш технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш, унинг ўтказилишини назорат қилиш, якуний натижаларни олиш ва тақдим этишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш орқали тадбир мониторинг қилиб борилади; аҳолига аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади ва вазифалари ахборот-тушунтириш ишлари орқали етказиб борилади; рўйхатга олиш варақалари ва бошқа ҳужжатлар чоп этилиб, жойлардаги мутахассисларга етказилади; рўйхатга олиш участкаларини бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш ишлари ташкил этилади; рўйхатга олиш тадбирида иштирок этувчи вақтинчалик ходимлар ўқитилиб, улар зарурий воситалар билан таъминланади; аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ

бошқа ишлар олиб борилади.

Иккинчи босқич (10 кундан 60 кунгача бўлган давр)да бевосита аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ишлари амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш тадбири материаллари қайта ишлаш учун ихтисослашган тузилмаларга тақдим этилади.

Учинчи босқич (2 йилдан 3 йилгача бўлган давр)да қуйидагилар амалга оширилади: аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг бирламчи материаллари маълумотларни қайта ишлаш бўйича ихтисослашган тузилмалар томонидан қабул қилиб олинади; аҳолини рўйхатга олиш тадбири материаллари автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашга тайёрланади; бирламчи маълумотларни киритиш, кодлаштириш, назорат ва таҳрир қилиш ишлари амалга оширилади; аҳолини рўйхатга олиш бўйича дастлабги натижалар олинади ва аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижаларини эълон қилиш ва уларни тарқатиш ишлари амалга оширилади

Поп туман статистика бўлими.

КИМЛАР МУДДАТИДАН ОЛДИН ПЕНСИЯГА ЧИҚАДИ?

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар, дея хабар қилмоқда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

Қайси ҳолларда фуқаролар муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқишлари мумкин?

–Эркаклар иш стажы (камида) 25 йил бўлган тақдирда 58 ёшдан, аёллар иш стажы (камида) 20 йил бўлган тақдирда 53 ёшдан, яъни белгиланган ёшдан икки йил олдин ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига “ишсиз” деб эътироф этилганда эга бўладилар. Ушбу тоифага технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар киради. (“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси).

Фуқаролар муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқишлари учун Пенсия жамғармаси туман бўлимига зарур ҳужжатларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги тақдимномасини тақдим этиши лозим.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган фуқароларни ишсиз деб эътироф этиш Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ва Меҳнат вазирлигининг 30.11.1998 йилдаги 2274/4 ва 1235/04-1-сонли қарори билан тасдиқланган “Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома” билан тартибга солинади.

Унга асосан, Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ишсиз деб эътироф этилган ва муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга тақдимнома расмийлаштирилади ва 5 кун муддат ичида тегишли бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлимига топширилади.

Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан берилган тақдимнома, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлими томонидан муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашга асос бўлади.

Фуқароларнинг муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида ҳам мустаҳкамланган.

Саволга Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи Ўктамжон ЙЎЛДАШЕВ жавоб берди.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Архивлар буюк тарихимиз кўзгусидир. Уларда халқимиз босиб ўтган шонли ўтмиш, бугунги дориларимиздан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар жамулжам. Юртимиз ўтмишини тадқиқ этишда, тарихини чуқур ўрганиб, уни холис баҳолашда халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси ҳисобланмиш архив ҳужжатлари алоҳида аҳамиятга эга. Туман архив ҳужжатларини варақлаганимизда ҳам бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. “Анҳор” маҳалла фуқаролар

йиғинида жойлашган архивимизда 34952 дан ортиқ доимий ва 1200тага яқин шахсий таркиб архиви ҳужжатлари сақланмоқда. Илк ҳужжатлар 1927 йилга тегишли бўлиб, уларни варақлаганимизда араб ёзувида ёзилганлигини кўришимиз мумкин. Мозийни мукамал ўрганишда айнан архив ҳужжатларининг ўрни муҳим саналади. Демакки, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш архив мутахассисларининг энг олий мақсадидир.



Гулчеҳра ОРИПОВА, Чуст туман давлат архиви Поп филиали фонд сақловчиси.

ҲУШЁРЛИК - ХАВФСИЗЛИК КАЛИТИ

“Пунгон-Наманган” автомобиль йўли. Кеч соат 22:30 чамаси. “Кобальт” русумли автомобиль ишончнома орқали И.Абдуллаев томонидан бошқариб борилмоқда. Олд ўриндикда бир нафар йўловчи бор. Машинага қарши томондан “Ласетти” русумли машина келиб қолди. Ҳайдовчи ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, машинани ўнгга бурганда чуқурга тушиб кетади. “Дамас” русумли машина ҳайдовчиси тўхтаб, тез ёрдам чақиради ва бироздан сўнг ички ишлар бўлими ходимлари етиб келиб, вазиятни ўрганишади. Ушбу жиноят иши юзасидан Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан фуқаро И.Абдуллаевга 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Икки йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

Илёс УСМОНОВ, Жиноят ишлари бўйича туман суди раиси.

ҚИЛМИШИ ОШКОР БЎЛДИ

Раҳимахон Довидова 1971 йилда туғилган. Тўрт нафар фарзанднинг онаси. Ўзининг ноқонуний ҳаракатлари билан ҳуқуқбузарлик йўлига кириб қолди. У ўзининг “Майдон” маҳалласидаги хонадонидан 15-17 ёшлардаги Г.Набиҳонова ҳамда С.Тўрахоноваларга диний таълимотдан сабоқ бериб келган.

У бу хатти-ҳаракатни диний ташкилот бошқаруви органи рухсатисиз, махсус диний маълумотга эга бўлмай туриб содир этган.

Ҳуқуқбузар Р. Довидовага энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

НОҚОНУНИЙ САБОҚ - ҚОНУНГА ХИЛОФ

Рабиниса Қораева 1961 йилда Поп туманида туғилган. Ҳозирда “Боён” маҳалласида яшовчи ушбу нафақахўрнинг олти нафар фарзанди бор. У махсус диний маълумотга эга бўлмай, диний ташкилот бошқаруви органи рухсатисиз ўз уйида М.Машрапова ва С. Мирзаматоваларга диний сабоқ берган.

Р.Қораеванинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддасига кўра ғайриқонуний деб топилди. Очiq суд мажлисида ҳуқуқбузар ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, хатосини тушунди. Зеро, ноқонуний босилган қадам ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Ҳуқуқбузар Р.Қораевага энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Самаджон ҚОДИРОВ, туман маъмурий суди раиси.

МТМдан МТТга

Куни кеча туманимиз ҳокимлиги биносидаги мажлислар залига вилоят мактабгача таълим бошқармаси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, тўлақонли камиятга мослашган бола шахсини шакллантириш, ўсишида турли нуқсонлари бўлган болаларни, шунингдек, реабилитация қилиш ва соғломлаштиришга муҳтож болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва интеграция қилиш учун қулай муҳит яратиш мақсадидаги Вазирлар Маҳкамаси қароридан тушунча ҳосил қилиш мақсадида ташриф буюришди. Ушбу Низом умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринда мактабгача таълим ташкилотлари деб аталади) мақсадлари ва вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди. Тарбияланувчиларни давлат мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш деганда тарбияланувчиларни парваришлаш, овқатлантириш ва уларга қараб туриш тушунилади. Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш учун ота-оналар тўлови қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш учун ота-оналар тўлови миқдори ва уни тўлаш шакли уларнинг муассислари томонидан белгиланади. Ижтимоий қўллаб-қув-

ватлашга муҳтож оилалар фарзандларини сақлаш учун ота-оналар тўлови имтиёзли шартларда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади. Мактабгача таълим ташкилоти қонун ҳужжатларида, ушбу Низомда, шунингдек, мактабгача таълим ташкилоти уставида назарда тутилган тартибда бошқарилади. Давлат мактабгача таълим ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тасвия этилган номзодлар орасидан мактабгача таълим муассасаси Кузатув кенгаши томонидан танланадиган мудир раҳбарлик қилади. Мактабгача таълим ташкилотининг уставида мувофиқ лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари ҳисобланади. Давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига мудир жорий раҳбарлик қилади ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотининг Кузатув кенгаши ва муассиси олдида ҳисоб беради. Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига директор жорий раҳбарлик қилади ва муассис олдида ҳисоб беради. Мактабгача таълим ташкилотларида сиёсий партиялар ва диний муассасаларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига ва фаолиятига йўл қўйилмайди. Халқаро ҳамкорлик, педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимлар амалиётини ўтказиш ва малакасини ошириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дилдора ИСРОИЛОВА, МТБ мутахассиси.